

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ
“ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХИ”
КАФЕДРАСИ**

Тарих ва ҳуқуқ факультети тарих бакалавр таълим йўналиши
IV-курс талабаси Тилепбоев Бекполатнинг бакалавр битирув
мутахассислик

И ш и

Қорақалпоғистонда экотуризмнинг ривожланиши

Илмий раҳбар: _____т.ф.н. С.А.Сулайманов

Кафедра мудири: _____т.ф.н. доцент Ж.Х.Ҳакимниёзов

Нукус-2012

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

**I боб. Орол бўйи ҳудудида экотуризмни ривожлантириш
истикболлари**

**II боб. Орол муаммоси ва унга жаҳон ҳамжамияти
эътибори.**

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати.

Кириш

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экотуристик ҳудудларни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш юзасидан муҳим ишлар олиб борилмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, экотуризмни амалга ошириш ҳар бир ҳудуд учун жуда катта миқдорда молиявий фойда олиб келар экан. Шу ўринда, БМТнинг 2002-йилни ҳалқаро экотуризм йили деб эълон қилинганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Халқимиз бой экологик маданиятга эга. Асрлар давомида шаклланиб келган бой миллий маънавий қадриятларимиз ва меросимиз шундан далолат берадики, ота-боболаримиз, аجدодларимиз Она заминга ўзгача муносабатда бўлиб, сув, тупроқ, ҳавони қадрлаганлар. Табиат бойликлари ва унинг эҳсонларини асраб-авайлаб, улардан тежаб фойдаланганлар. Маънавиятимиз пойдевори ҳисобланган муқаддас ҳадисларда: “Енглар, ичинглар, исроф қилманглар”, дейилган. Исроф қилмаслик, увол, гуноҳ ва меъёр каби тушунчаларни яхши англаб етганлар ва кундалик турмуш фаолиятида уларга қатъий амал қилганлар. Атроф-муҳитни, уйни, маҳаллани, кўча-куйни, шаҳар, қишлоқ, овулларни, бозорларни, ариқларни, ҳовузларни тоза, саранжон-саришта тутганлар. Бошқача айтганда, экологик маънавиятга, экологик қоида ва мезонларга тўла амал қилганлар. Дарахтзор, боғ-роғларни яратилганлиги ҳақида тарихимиздан кўплаб маълумотларни келтириш мумкин. Боғ яратиш санъатига халқимиз азалдан эга бўлган. Оилада фарзанд туғилса унга атаб дарахт экилган. Тирик жониворларга озор етказилмаган. Табиат билан уйғунликда ҳаёт кечиришган, яшаш муҳитига, табиатга нисбатан лоқайдлик, бефарқлик қораланган, ва пировард натижада табиат мувозанатини сақлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисидаги¹ “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.2010

чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантириш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ва тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш” бугунги кунда республикаимиз учун энг долзарб масалалардан бири эканлиги, шунинг учун ҳам экологик ҳаракат вакилларига Қонунчилик палатасидан 15 та жой ажратилганлиги ҳақида таъкидлаган эди².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 сентябрь 212-сонли қарори билан тасдиқланган “2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури”нинг I бандида узлуксиз экологик ва барқарор ривожланиш учун таълим тизимини янада ривожлантириш, экологик илм-фанни ривожлантириш, экологик билимларни кенг тарғиб қилиш вазифалари белгиланган³.

«Туризм» сўзи «сайр қилмоқ», «саёҳат» маъноларини англатади. Бугунги кунда туризм дунё мамлакатларида миллий иқтисодиётга салмоқли даромад келтирувчи соҳалардан бири ҳисобланади. Бутунжаҳон Сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, мазкур соҳа даромади йилига 1,5 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Сайёҳлик ҳамда туристик хизматларнинг тобора ривожланиши натижасида сўнгги йилларда унинг ноанъанавий турлари - экотуризм, агротуризм, археологик, этнографик, диний туризм, экстремал шароитлар туризми ва бошқалар шакллана бошладики, бугунги кунда мазкур йўналишлар мутахассислар томонидан тез тараққий этаётган соҳалар сифатида баҳоланмоқда.

Жаҳон мамлакатлари тажрибасида сўнгги йилларда сайёҳлар томонидан муайян бир мавзуга асосланган йўналишлар бўйича саёҳат қилиш истаги ортиб бораётгани кузатилмоқда. Сайёҳлар бирор минтақани ёки мамлакатни тўлалигича эмас, балки ўзига хос жиҳатларини кўриш истагини

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.2010

³ «Халқ сўзи» газетаси. 19-сентябрь 2008 й.

билдиришган. Бу эса сайёҳларнинг қизиқиш доираси йилдан-йилга кенгайиб, улар сайёҳликда янги йўналишлар шаклланиши ва ривожланишини истаётганини англатади. Шу боис, инсон ва табиатнинг ўзаро уйғунлигини ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш нақадар муҳим эканлигини амалда намоён этишга хизмат қиладиган янги йўналиш, яъни экотуризм бугунги кунда сайёҳликнинг истиқболли йўналишларидан бирига айланиб бормоқда, десак янглишмаймиз.

XX асрнинг 80-йиллари бошидан кенг жамоатчилик фикри ҳамда экологик дунёқарашнинг ривожланиши таъсирида саёҳатчиларнинг эҳтиёжларида ўзгариш кузатилди. Одамлар саратон жазирамасида табиий ўрмонларни, йирик шаҳар иншоотлари ўрнига маҳаллий аҳоли турар жойларини тобора афзал кўришмоқда. Бу эса охириги ўн йиллик давомида экологик туризм шаклланишидан далолат беради.

Экологик туризм бугунги кунда Кения, Коста-Рика, Яқин Шарқ ва баъзи араб давлатлари, Европа қитъасидаги айрим мамлакатларнинг иқтисодийётига салмоқли даромад келтираётгани сир эмас. Маълумотларга қараганда, дунё сайёҳлик бозорида экотуризмдан келадиган даромад 10-14 фоизни ташкил этар экан. Сўнгги йилларда жаҳон мамлакатларида экологик туризмга эътибор кучайиб бораётганини шундан ҳам билиш мумкинки, 2002 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «Экологик туризм йили» деб эълон қилинди⁴.

Ўзбекистонда экотуризм билан боғлиқ бўлган бетакрор гўзал табиат, ландшафтлар, хилма-хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ёдгорликлар мавжуд. Бой табиий-иқлим салоҳияти сайёҳларга нафақат Тошкент, Жиззах вилоятининг тоғли қисмидаги ва Фарғона водийсидаги кўплаб ғорли тоғлар, музликлар ва кўлларни, балки Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги чўлларни, саҳроларни, воҳаларни таклиф этиши мумкин. Экотуризмнинг ривожланиши

⁴ www.ziyounet.uz

табиатни муҳофаза қилиш, сайёҳларни она табиатимиз қўйнига жалб этиш, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини сақлаш ва кўпайтириш муаммоларини ҳал қилишга катта ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг 2008-2012 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури доирасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Оролбўйининг табиий биологик фондини сақлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга ва энг асосийси, бу ҳудудда истиқомат қилаётган юз минглаб, миллионлаб одамларнинг ҳаёти ва фаолиятига салбий таъсирини қисқартириш — бугунги куннинг муҳим долзарб масаласи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2010 йилнинг 20 сентябрида БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган пленар мажлисида сўзлаган нутқида айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратди⁵. Бу соҳада тарғибот ишларини кучайтириш долзарб вазифа ҳисобланади

Фонд Форум ва ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонасининг энг йирик лойиҳаларидан бири — “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали бу йил 5-6 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри ва Элликқалъа туманида ўтказилди. “Келажак-тур” халқаро ёшлар туризми ва ҳамкорлиги бюроси V “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивалининг расмий тур-оператори ҳисобланади.

Фонд Форумнинг энг йирик лойиҳаларидан бири — «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ҳар йили Ўзбекистоннинг турли тарихий ва маданий марказларида кулоч ёзади. Фестиваль халқ анъаналари ва урф-одатлари, мамлакатимиз амалий санъати, миллий ошхонаси, ноёб оғзаки, моддий ва маънавий меросининг барча қирраларини акс эттиради. Фестивалда иштирок этиш истагидагилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010, 22 сентябрь.

Битирув малакавий ишининг методик асосини Президентимиз И.А.Каримов асарлари ва Ўзбекистоннинг янги тарихи ташкил қилади. Малакавий ишини ёзишда кенг кўламдаги янги маълумотлар, янги асарлар билан бир қаторда сўнгги нашр этилган материаллар, хужжатлардан фойдаланилди. Биз битирув малакавий ишимизда Қорақалпоғистонда экотуризмнинг ривожланиш истиқболлари масаласини ёритишга ҳаракат қилдик. Бунда сўнгги йиллари нашр қилинган янги адабиётлар, оммавий ахборот воситалари материаллари ва Интернет материалларидан фойдаландик. Битирув малакавий иши кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

I боб. Орол бўйи ҳудудида экотуризмни ривожлантириш истиқболлари

Атроф – муҳитни муҳофаза қилиш. Табиатни асраш бугунги кунда инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида таъкидлаганидек, “экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, инсониятнинг умумий муаммосига айланди”⁶ деб таъкидлаган эди..

Авваламбор, экотуризм табиатни муҳофаза қилишга янгича ёндашувдир. Айнан шу сабабдан ҳам у атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг янги амалдаги кўринишларидан биридир. Шунинг ҳам айтиш керакки, туризмнинг мазкур йўналиши сайёҳларни ва сайёҳлик ташкилотларини табиатга салбий таъсир кўрсатмасликка, уни муҳофаза этишга даъват қилади.

Экологик туризм - муайян ҳудуднинг инсон таъсирига жуда кам учраган ёки деярли учрамаган қисмларига унинг экотизимларига салбий таъсир этмасдан ноёб табиати ва маданий-этнографик хусусиятларини ўрганишдир. 2002 йил Канаданинг Квебек шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон экотуризм саммитида қабул қилинган «Квебек декларацияси»нинг асосий тамойилларидан бири ҳам «...саёҳат қилинаётган минтақанинг табиий ва маданий меросини сайёҳларга тушунтириш»дан иборатдир.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонга келаётган ёши 50 дан ошган саёҳларнинг 41 фоизи мамлакатимизнинг энг хушманзара ҳамда табиий ландшафтлар яхши сақланиб қолган ноёб жойларини кўриш, 25-30 ёшлар атрофидаги сайёҳларнинг 26 фоизи эса экологик муаммолар мавжуд ҳудудларни кўриш истагида эканини билдиришган⁷.

⁶ Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Т. “Ўзбекистон”.1997 й. 110 – бет.

⁷ www.ziyounet.uz

Экотуризмни ривожлантиришнинг яна бир жиҳати шуки, унда сайёҳларга юқори даражадаги хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар талаб қилинмайди. Туризмнинг бу турида анъанавий ҳордиқ чиқариш ва маиший қулайликлар иккинчи даражали бўлади. Табиатнинг бетакрор манзараларини томоша қилиш учун чодирларни жойлаштириш ва кемпингларни ўрнатишнинг ўзи кифоя. Бироқ, бошқа томондан қараганда, экотуризм юқори малакали мутахассисни, яъни ҳар бир гуруҳ учун эколог, туристларнинг хавфсизлигини таъминловчи ходимни талаб қилади. Бундан ташқари, экологик турларни таклиф этувчи фирмаларнинг барча саъй-ҳаракатлари табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик талаблари асосида олиб борилиши керак.

Экотуризм соғлом ҳаёт тарзи шакли ҳамдир. Экологик турлар кўпинча спорт билан шуғулланиш, соғломлаштириш муолажаларини ҳам кўзда тутди. Экологик турлар туроператорлар томонидан алоҳида тур сифатида таклиф этилиши мумкин, масалан тоғли жойда яшаб табиат объектларини зиёрат қилиш ёки курорт меҳмонхоналарида яшовчилар учун қўшимча хизматлар сифатида кўрикхона зоналарга экскурсиялар, тоғ ёки қўлларга бир кунлик сафар уюштириш мумкин. Бундай аралаш турлар оммабоп ҳисобланади. Экологик туризмнинг бир неча ўзига хос йўналишлари мавжуд. Туристларнинг экологик саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш мақсадида қилинадиган саёҳатлар, табиатдаги экологик мувозанатни сақлаб туриш учун табиатнинг инсон таъсирига деярли учрамаган экологик тоза ҳудудларига йўналтирилган турлар, инсоннинг хўжалик фаолияти таъсиридан муҳофаза қилинган табиий ҳудудларга йўналтирилган саёҳатлари шулар жумласидандир⁸.

Экологик туризм объекти асосан нисбатан табиатга зиён етказилмаган ҳудудлар - «ёввойи табиат» ҳисобланади. Табиий ҳолича сақланган табиатни ўрганиш чоғида сайёҳларда уни асраш муҳимлиги туйғуси шаклланади. Сайёҳлар ноёб табиатни, аҳолининг анъанавий ҳаёт тарзи, унинг маданияти

⁸ Экология хабарномаси. Журнал.2007-йил.№2

ва этнографик хусусиятларини ўрганиш ҳамда қайта тиклаш, асраш ишларида бевосита иштирок этадилар. Экотуризмнинг айнан шу жиҳатлари шаҳардаги тезкор ва сершовқин кундалик ҳаёт тарзидан чарчаган сайёҳларни ўзига жалб этади. Ғарб мамлакатларида экологик туризм дам олиш ва билим олишнинг анчагина қиммат шакли бўлишига қарамай, кўплаб одамлар унга маблағ сарфлашга тайёрдирлар.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, маданият, тарих ва табиатни ўрганишга қаратилган турлардан тушадиган фойда умуман туристик даромадлар ҳажмининг 15-23 фоизини ташкил этади⁹.

Ўзбекистон учун энг мақбул экотуризм стратегиясини яратиш - бу янги иш ўринларини очиш ва табиатнинг ноёб ёдгорликларини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш учун воситаларга эга бўлиш демакдир. Мамлакатимиз бутун дунёга ўзининг бой табиий ресурслари, ранг-баранг ландшафтлари, жонли табиатнинг ноёб турлари, ҳайвонот ва ўсимлик оламининг хилма-хиллиги ҳамда қулай табиий ва иқлимий шароитлари билан танилган. Юртимиз ўзининг иқлим шароити бўйича дунёдаги энг машҳур курортлар ҳисобланмиш Ўрта Ер денгизи соҳиллари, Швейцария тоғлари ва АҚШнинг Калифорния штатидан асло қолишмайди. Шу жиҳатдан қараганда, диёримизнинг деярли барча вилоятлари оммавий экотуризм марказлари бўлиши мумкин¹⁰.

Ўзбекистонда экотуризмнинг афзал томони шундаки, саёҳатларни деярли бутун йил давомида ташкил этиш мумкин. Баҳорда саҳролар ва чўллар бениҳоя чиройли манзара касб этади, ёз фаслида мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида дам олиш сайёҳлар учун қизиқарлидир. Экотуризм мамлакатимизнинг миллий боғларида, шунингдек, ихтисослашган муассасаларда муваффақиятли ривожланиши мумкин.

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришда сифатли хизматлар кўрсатиш ва умуман соҳа инфратузилмасини пухта ташкил этиш,

⁹ Экология хабарномаси. Журнал.2007-йил.№2

¹⁰ www.ziyounet.uz

интернетда махсус веб-сайтлар яратиш, реклама маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уни кенг тарғиб қилиш халқаро туристик бозорда мамлакатнинг нуфузини оширувчи воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Сайёҳларни жалб қилиш учун биринчи галда қулай хизмат кўрсатиш шароитларини яратиш, уларни қулай транспорт воситалари билан таъминлаш ва албатта Ўзбекистоннинг экотуристтик салоҳиятини жаҳон миқёсида тарғиб қилиш зарур. Бу борада шу пайтгача муайян ишлар ҳам қилинган. «Ўзбекистоннинг қўриқхоналари ва миллий боғлари» фотоалбоми, «Ҳисор» қўриқхонаси, «Сармишсой», «Жайрон» экомаркази, «Бодай-тўқай» қўриқхонасига бағишланган буклетлар шулар жумласидандир.

Мустақилликнинг ўтган йигирма йили ичида амалга оширилган аҳамиятга молик ишлар туфайли мамлакат қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, улкан ютуқ ва натижаларга эришилгани, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига мос янги хўжалик тизими ва ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланиб, қандай суръатлар билан ривожланаётганини ҳар тарафлама кенг ёритиш, ислохотлар ва янгиланиш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш эҳтиёжи туғилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳам “...иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан ҳолисона баҳо беришимиз табиий”¹¹ лигини, зеро, “мамлакатимиз иқтисодиётидаги ижобий кўрсаткичлар ва нохуш тенденцияларни нафақат қайд этиш, балки иқтисодиётимизнинг ривожини белгилаб берадиган сабаб ва омилларни чуқур ва ҳолисона таҳлил қилиш муҳим”¹² лигини таъкидлади. Шу боис,

¹¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

¹² Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011, 21 январь.

Ўзбекистон тарихининг қатор долзарб масалалари ўзининг янги, илмий жиҳатдан ҳаққоний ечимини топа бошлади. Чунончи, мустақилликнинг дастлабки, ўтиш даврида Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбида жойлашган Қуйи Амударё ҳудуди ижтимоий-иқтисодий аҳволини ҳаққоний ўрганиш ҳам долзарб вазифалар сирасига киради. Бу давр, бир томондан, ўта марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик, партиявий раҳбарлик ва марказнинг йўналтирилган сиёсати, мустабид тузумнинг узок йиллар мобайнида тўпланиб қолган асоратларини бартараф этиш, иккинчи томондан эса, тараққиётнинг янги босқичида барча соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва ислоҳотларни амалга оширишдан иборат муҳим вазифалар тўпланиб қолаётган давр билан ифодаланар эди.

Ўзбекистонда экологик туризмнинг ҳозирча кўпроқ табиат неъматларини истеъмол қилиш билан боғлиқ шакллари (хусусан, овчилик, балиқчилик, рафтинг, треккинг, пикник) тарқалган бўлиб, унда атроф-муҳитдан бевосита фойдаланилмоқда. Аммо бундай йўналишнинг ноёб экотизимлар ҳамда миллий боғларни асрашдаги самараси паст, чунки даромадлар муайян даражада бузилган экологик мувозанатни қайта тиклаш тадбирларига ҳар доим ҳам сарфланавермайди. Соҳани ривожлантиришда дам олиш уйлари, меҳмонхона, сайёҳлик базалар, йўллар, муҳандислик тармоқларини қуриш билан боғлиқ барча лойиҳаларни экологик баҳолаш ҳам муҳим омилдир. Экотуризм айниқса, тоғли ва етиб бориш қийин бўлган жойларда маҳаллий иқтисодиётни яхшилашга хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун эса маҳаллий бошқарувни экотуристлик фаолиятга кенг жалб қилиш ҳамда соҳа учун зарурий инфратузилма (жойлаштириш воситалари, овқатланиш, алоқа, тиббий хизмат кўрсатиш объектлари, қутқариш хизматлари ва бошқалар) яратилиши лозим¹³.

Ўзбекистонда экотуризм билан боғлиқ бўлган бетакрор гўзал табиат, ландшафтлар, хилма-хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий

¹³ www.ziyounet.uz

ёдгорликлар мавжуд. Бой табиий-иқлим салоҳияти сайёҳларга нафақат Тошкент, Жиззах вилоятининг тоғли қисмидаги ва Фарғона водийсидаги кўплаб ғорли тоғлар, музликлар ва кўлларни, балки Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги чўлларни, саҳроларни, воҳаларни таклиф этиши мумкин. Экотуризмнинг ривожланиши табиатни муҳофаза қилиш, сайёҳларни она табиатимиз кўйнига жалб этиш, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини сақлаш ва кўпайтириш муаммоларини ҳал қилишга катта ҳисса қўшади.

Ҳозирги кунда дунёда жадал суръатларда ривожланиб бораётган иқтисодиёт соҳаларидан бири туризм ҳисобланади. Табиатни туризм ёрдамида муҳофаза этиш натижасида қисқача “экотуризм”, кенг маънода экологик туризм сўзи пайдо бўлди. Экологик туризм ўтган асрнинг охирларидан бошлаб жаҳон туризми индустриясига аста-секин кира бошлади. Экотуризм табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини тўла-тўқис амалга оширишга катта ҳисса қўшади, ҳамда сезиларли молиявий кўмак беради.

Экотуризмга берилган таърифга яна бир қарра тўхталадиган бўлсак, Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (ТМКХИ) – “Экологик туризм ёки экотуризм - табиат муҳитга нисбатан масъулият билан саёҳат қилиш, табиат ҳудудларига зиён етказмаган ҳолда ўрганиш, ҳамда табиатнинг бетакрор жалб этувчи жойларидан завқ олиш мақсадида табиатни муҳофаза қилишга кўмаклашади, атроф-муҳитга “юмшоқ” таъсир этади, маҳаллий халқнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини фаоллаштиради ва шу фаолиятдан уларнинг имтиёзлар олишини таъминлайди”- деб ҳисоблайди¹⁴.

Ҳарб мамлакатларида экотуризмга иқтисодий тоифа жиҳатидан қаралади, чунки чет элда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган экотуризмни иқтисодий фойда келтирувчи туризмнинг энг истиқболли турларидан бири ҳисобланади.

¹⁴ www.ziynet.uz

Экспертларнинг таъкидлашларига кўра, экотуристлар кўпинча ўрта ёки ўртадан юқори сармояга эга бўлган, ҳар томонлама таъминланган саёҳатчилардан иборат. Сайёрамизда инсон фаолияти тегмаган ёввойи табиат жуда кам қолганлиги сабабли, одатда бундай ҳудудларга саёҳат қилиш чекланган, ҳамда уларга саёҳат ҳақи ҳам етарли даражада қиммат. Шу сабабли, экотуризмдан киши бошидан олинган даромад, умумий туризм, ва халқаро туризмдан тушган даромадлардан бир неча маротаба кўпдир.

Экотуризм қўйилган мақсадга мувофиқ асосан қуйидаги тармоқларга бўлинади:

- инсон фаолияти натижасида нисбатан зиён етказилмаган ёввойи табиатга саёҳат (пиёда, отларда, туяларда, автомобилда саёҳат);
- ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан танишиш;
- кино ва фото тасвирлар олиш;
- экосафари (ов ва балиқ овлаш);
- илмий экскурсиялар (ботаник, зоологик, геологик, этолого-этнографик, археологик, геоморфологик, экологик-маданий);
- спорт (альпинизм, спалелогия, рафтинг, трекинг);
- агро-туризм (қишлоқ халқининг турмуши, урф-одати билан яқиндан танишиш)

1997 йил Бразилияда бўлиб ўтган Бутунжаҳон Конгрессида эътироф этилган маълумотга кўра, дунё бўйича жами саёҳатга чиққанларнинг 12%и экотуристларни ташкил қилган. Чет эллик олимларнинг баҳолашича, 1993 йил экотуризмдан тушган даромад 30 млрд. АҚШ долларини ташкил этган, яъни халқаро туризмдаги жами даромаднинг 10%ини ташкил этган. Саёҳатнинг бу тури, асосан, АҚШ, Канада, Австралия, Непал, Эквадор, Бразилия, Филиппин, Кения давлатларида тез ривожланмоқда.

БМТ ва WTO нинг маълумотларига кўра, 2000 йилда халқаро туризмдан тушган даромад 154 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Агар бунга ички туризмдан тушган даромадни қўшсак, унда ушбу даромад 5-6

Масалан, Канада давлатида ёввойи табиатга саёҳат туризмнинг умумий ҳажми ички туризмдан тушган даромаднинг 25% ташкил этади. Канада ҳукумати, фақатгина экотуризмдан тушган солиқ ҳисобидан ҳар йили 1,7 млрд. АҚШ долларида фойда олади. Бу эса, ҳукумат томонидан ёввойи табиатни муҳофаза қилиш дастурига ажратилган маблағдан (300 млн. доллар) 5 баробар кўпдир. Шундай қилиб, экотуризм табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга катта ҳисса қўшади, ҳамда уларни тўлатуқис ўтказишга сезиларли молиявий кўмак беради¹⁶.

Ўзбекистонда экотуризмнинг ривожланиши, нафақат маънавий илм-фан, маданият, маърифат, табиатни муҳофаза қилиш, экотуристларни она табиатимизга жалб этиш, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини сақлаш ва кўпайтириш муаммоларини ҳал қилишга, балки шу билан бирга иқтисодий масалаларни – маҳаллий халқнинг ижтимоий шароитини яхшилаш, уларни янги иш жойлари билан таъминлаш, ҳамда Ватанимизнинг иқтисодиётини ўсишига катта ҳисса қўшади. Ватанимизда, нафақат дунёга машҳур, чет эл сайёҳларини жалб қилувчи Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз каби қадимий шаҳарлар, тарихий ёдгорликлар, балки шу билан бирга, экотуризм билан боғлиқ, бетакрор гўзал табиати, ландшафтлар (сахро, чўл – адирлар, тоғлар, паст текисликлар), хилма-хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, нодир, дунё аҳамиятига эга бўлган археологик топилмалар, палеонтологик қолдиқлар, дунёда кам учрайдиган геологик кесмлар, 800 дан ортиқ табиий ёдгорликлар мавжуд¹⁷.

Ўзбекистон 38 млн. гектардан ортиқ бўлган овчилик – балиқчилик ер майдонларига эга, улардан 1,0 млн. гектарини сув фонди ташкил этади – кўллар, дарёлар, сув омборлари. Республикамиз фаунаси 97 турдаги ўтхўр ҳайвонлар, 424 турдаги қушлар, 58 турдаги судралиб юрувчилар ва 83 балиқ турларига эга. Улардан Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ўтхўр

¹⁵ www.ziynet.uz

¹⁶ Экология хабарномаси. Журнал. 2007-йил. №2.

¹⁷ www.ziynet.uz

хайвонларнинг 24 тури, кушларнинг 48 тури, судралиб юрувчиларнинг 10 тури, балиқларнинг 18 тури ва 78 турдаги умуртқасизлар киритилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда ҳозирги кунда 4100 дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд. Улардан 3000 дан ортиқ турлари олий ёввойи ўсувчи ўсимликлар, улардан 9 % эндемиклардир.

Ўзбекистон ҳудудининг муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар таркибида 2164 км² майдонни ташкил этган 9 та давлат қўриқхонаси, 6061 км майдонни ташкил этган 2 та миллий боғ ва ноёб турларга кирувчи ҳайвонларни қўпайтириш Республика маркази (Жайрон «Экомаркази»), 12186 км² майдонни ташкил этган 9 та давлат буюртмахоналари мавжуд. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 20520 кв.км, ёки Ўзбекистон ҳудудининг 5,2 % ташкил этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида экотуризмнинг ривожланиши учун қулай транспорт-географик ареалда жойлашган, ривожланган турли хилдаги транспорт ҳамда транспорт коммуникация алоқа йўллари билан боғланган бўлиб, ўзининг ҳалқаро туризм салоҳияти бўйича жаҳонда олдинги ўринларни эгаллайди.

2006 йилдан бошлаб ушбу секторни ривожлантириш учун дастлабки қадамлар ташланди ва экотуризмни Ўзбекистонда аста-секин ривожлантириш тенденциялари кузатилмоқда¹⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Сингапур Республикасига Давлат ташрифи арафасида шу мамлакатнинг марказий нашрларидан бири “TODAY” (“Бугун”) газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида Ўзбекистонда экологик туризмнинг катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда¹⁹, бу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳақида қуйидагиларни келтирадилар: “Гўзал географик ва табиий шароитлар Республика ҳудудида экологик туризмни ривожлантириш учун ғоят

¹⁸ www.ziynet.uz

¹⁹ «Халқ сўзи» газетаси, Тошкент, 2007 йил 26 январ, №19

кулайдир. Бу борада мамлакатнинг тоғли ҳудудларида жойлашган, замонавий жиҳозланган сайёҳлик мажмуаларида қишки ва ноёб сайёҳлик дастурлари ташкил этилган. Сайёҳликнинг янги йўналиши – йирик кўриқхоналар ва боғлар ҳудудида ташкил этилган табиатшунослик туризми ривожланмоқда. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, Ўзбекистон азалдан халқ ҳунармандчилиги билан машҳур бўлиб келган. Ҳозирги вақтда республикада халқ ҳунармандчилиги асосида эсдалик буюмлари ишлаб чиқарувчи 500 га яқин корхона мавжуд. Улар чинни ва сопол буюмлар, пичоқлар, сопол ўйинчоқлар, зардўзи маҳсулотлар, гилам ва бошқа буюмлар ишлаб чиқармоқда. Туризм инфратузилмаси жадал ривожланмоқда, янги меҳмонхоналар қурилди, янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этилди. Республикада 168 та меҳмонхона ишлаб турибди. Бугунги кунда Ўзбекистон туризм бозорида 408 та оператор иш олиб бормоқда ва улар халқаро сайёҳлар учун кенг кўламли хизматларни таклиф этишга тайёр.”²⁰

Экотуризмнинг мақсади – ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристик йўналишда оқилона фойдаланишдир.

Ватанимизда экотуризмнинг тараққиёт салоҳияти ниҳоятда катта ва уни жадал суръатлар билан ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Фақат бу салоҳият ва имкониятлардан жаҳонда экотуризми тараққий этган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, оқилона фойдаланиш ҳамда илмий асосда хатоларсиз амалга ошириш лозим.

Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё бой туристик ва экотуристтик имкониятларга эга. Айниқса чет эллик сайёҳлар учун Марказий Осиё халқларининг бой тарихий мероси, архитектура, археология, табиат ва монументал ёдгорликлари, табиат қўйнидаги туризм, жумладан тоғ бағриларида саёҳатлар, альпинизм, спелеотуризм, велотуризм, агротуризм ва шунга ўхшаш туризмнинг турлари жуда қизиқарлидир²¹. Даволаниш туризми

²⁰ «Халқ сўзи» газетаси, Тошкент, 2007 йил 26 январ, №19

²¹ Ғуломов С. Мустақил Ўзбекистон. – Тошкент: Меҳнат, 2001

имкониятларидан: климатопрофилактика ва климатотерапия, минерал сувлар, тоғ дарёларининг гидроионизацияси каби имкониятлар минтақамизнинг экотуристтик маҳсулотининг қўшимча омиллари бўлиб хизмат қилади.

Буюк Ипак Йули шаҳарлари, этномаданиятимиз, ўзига хос миллий урф-одатларимиз, меҳмондўстлигимиз хорижий туристлар учун минтақамизнинг жозибадорлигини белгилаб берган.

Мамлакат мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида асосий эътибор “марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди”²².

Бу борада 1991 йил 21 декабрдаги “Дехкон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, 1996 йил 3 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонлари ва 2000 йил 25 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолати тўғрисида”ги Қонун доирасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замон талаблари асосида қайта ташкил қилиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги қатор ишлар катта аҳамиятга эга. 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши ва бу борада Давлат дастурининг қабул қилиниши Ўзбекистон ҳукуматининг мустақиллик йиллари мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди²³.

²² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010, 12 ноябрь.— Тошкент: Ўзбекистон, 2010

²³ “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори // Халқ сўзи, 2011, 10 февраль.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт сари дадил кадам ташлади. Унда Қуйи Амударё худуди, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг ҳам муносиб ўрни бор. Шу боис, Орол денгизи билан боғлиқ экологик муаммолар марказида жойлашган мазкур худуднинг иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ҳолатини тарихий жиҳатдан илмий таҳлил қилиб, унинг тажрибасидан хулоса чиқариш, уни илмий нуқтаи назардан туриб ўрганиш тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида кўпгина олимлар учун Қуйи Амударё худуди, жумладан, Орол фожиаси асосий мавзуга айланди. Бу даврда мавжуд ижтимоий-иқтисодий аҳвол, экологик муаммоларни ўрганишга доир адабиётлар чоп этилди.

Мустақиллик йилларида иқтисодиёт тармоқларининг барча соҳаларида жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам мулк эгалари ўзгариб, янги истиқболли хўжалик юритиш шакллари пайдо бўлди. 1991 йил 29 ноябрда фермер хўжаликларини янада такомиллаштириш ва республика ишбилармонлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармон²⁴ муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айни пайтда, Қуйи Амударё худудининг чегараланган сув таъминотиغا эга эканлиги, агросаноат эҳтиёжлари учун ёқилғи ресурслари камлиги, аҳоли бандлик даражасининг худудий жиҳатдан нотекислиги, шунингдек, кадрлар тайёрлаш даражасидаги фарқ каби омиллар юз берган иқтисодий қайта қуриш ва бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳисобга олинди. Минтақада экологик инқироз оқибатида асосий экинлар ҳосилдорлиги пасайиб борганлиги кузатилади. Жумладан, Хоразм вилоятида 1990 йилдан 1999 йилгача пахта ҳосили 37,4 центнердан 29,8 центнерга, шоли 53,5 центнердан 31,4 центнерга, сабзавот ва полиз маҳсулотлари 123 центнердан 108,4 центнерга тушди. Қорақалпоғистонда эса, бу даврда пахта ҳосили 1,4 марта (17,6 центнер) ва шоли 1,8 марта (15,4 центнер) камайди.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. – Тошкент: Адолат, 1999

Айниқса, сув тақчиллиги ҳудуд иқтисодиётига катта зиён етказди. Шу сабабдан, Қорақалпоғистон пахтачилигида вақтинчалик ўсиш кузатилмади. Мисол учун, 1996 йилда 115 хўжаликдан атиги 20 таси режани бажарган бўлса, 1997 йилда 122 та хўжаликдан 70 таси топшириқни уддалади. Ўша йили Хўжайли туманидаги “Наврўз” ва Тўрткўл туманидаги “Пахтаобод” жамоа хўжаликлари гектар ҳисобига бор-йўғи 2 центнердан ҳосил етиштирдилар. Бундан ташқари, сув ва шамол эрозияси вилоят қишлоқ хўжалигига катта зарар етказди. Шундай бўлса-да, 1996 йилга келиб кўрсаткичлар бироз ўсиб, доннинг – 7,4 фоизи, пахтанинг 9,1 фоизи ва картошка ҳосилининг 5,5 фоизи воҳа деҳқонларининг меҳнати эвазига етиштирилди. Ҳудудда деҳқончилик учун ноқулай йиллар ҳар 3-4 йилда бир марта такрорланиб туради. Таъкидлаш жоиз-ки деҳқончилик учун қулай келадиган йилнинг ўзи кам бўлади. Айниқса, ноқулай экологик вазият Хоразм вилоятида экинларга катта зарар етказади. Бироқ, табиат қийинчиликларини тушунадиган деҳқонлар учун булар сабаб бўла олмайди. Зеро, Президент Ислам Каримов: “...хоразмлик оддий деҳқоннинг ҳар кунлик меҳнати қаҳрамонлик”²⁵, - дея таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

Мамлакат қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган шоличиликда Қуйи Амударё ҳудуди етакчи ўрин тутди. Аммо, юз берган сув танқислиги шоличиликка ҳам жиддий зарар етказди. Жумладан, 1997-йилда Қорақалпоғистон Республикасида шоли ҳосилдорлиги 22,8 центнерни ташкил қилди. Давлатга 65 минг тонна шоли топширилиб, режа 36,0 фоизгагина бажарилди²⁶. Ана шундай шароитда сувдан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш асосида биргина Нукус тумани ва унинг 2 та хўжалиги шартнома мажбуриятларини тўла бажара олдилар. 1998 йилда республикадаги шоличиликдан олинган ҳосилдорлик атиги 17,0 центнерни ташкил қилди. Ана шу оғир вазиятдан чиқиш учун, 1999 йил бошига келиб,

²⁵ Каримов И.А. Хоразм муқаддас замин. – Урганч, 1998.

²⁶ Вести Каракалпакстана. 1998. 3 феврал.

Қорақалпоғистонда ташкил этилган 1313 деҳқон фермер хўжаликларидан 795 таси деҳқончилик, 518 таси чорвачиликка йўналтирилди²⁷.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган²⁸.

Мазкур қарорда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, жумладан бу борадаги расмийлик тўсиқларини бартараф этиш ва шу асосда хизматлар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ҳамда 2010 йилгача уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 % га етказиш белгиланган. Шунингдек 2006-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 1,6 марта кўпайтириш мақсадлари кўйилган²⁹.

Мазкур соҳада туристик-экскурсион маршрутларни кенгайтириш, янгиларини ишлаб чиқиш, ички ва халқаро туризм бўйича маданий, кўнгил очар, ўқув дастурларини, шу қаторда туризмнинг турли йўналишларини (балиқ овлаш, ов қилиш, альпинизм ва ҳоказо) ташкил қилиш ва шу орқали ички ва халқаро туризмдаги сайёҳлар сонини ҳар йили 6% га ошириш назарда тутилган.

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, «ЭКОСАН-ТУР» халқаро экологик туризм Маркази сўнгги даврларда туризм ва экотуризмни ривожлантиришда фаол иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистонда ички туризм ва экотуризмнинг ривожланишида ижобий тенденция кузатилмоқда. «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг баҳолашича «ЭКОСАН-ТУР» халқаро экологик туризм

²⁷ Джумагалдиев Г., Даниярова С. Дийхан – фермер хожалықларынын раўажланыу бағдарлары // Вестник ККО АНРУз, 1999. – № 6

²⁸ «Халқ сўзи» газетаси. 18-апрель 2006 й.

²⁹ Кўрсатилган манба.

Маркази республикамиздаги туристик фирмалар орасида мазкур соҳада пешқадамлик килмоқда³⁰.

Ўтган асрнинг охириги йиллари ва ХХІ асрнинг бошларидаги халқаро вазият глобаллашув жараёнларининг ниҳоятда чуқур-лашиб кетганлиги билан алоҳида фарқланади. Дунёда юз бераётган сиё-сий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар шунчалик бир-бирига боғла-ниб кетдики, инсон ҳаётининг деярли барча соҳаларида, шахсларга, жа-миятларга ва бутун бир давлатга ўз таъсирини ўтказувчи глобал тизимлар юзага келди.

Глобаллашув замонавий жамиятга кўплаб ижобий жиҳатлар олиб кириш билан бирга инсоният тараққиётидаги шундай ҳолатни ўзида акс этмоқдаки, бу бугунги кунда дунё халқлари вужудга келаётган муаммоларга қарши ёлғиз курашмасдан, балки биргаликда ҳаракат қилишни ҳаёт тақозо этади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси глобаллашув жараёнининг дунёдаги иштирокчиси сифатида ўз ўрнига эга бўлган давлатдир. Ўзбекистон ҳукумати глобал муаммоларни биринчилар қаторида халқаро минбарларда очиб берди. Экологик вазият ва унинг оқибатлари катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда муаммолар қаторига, орол зонаси аҳолисининг саломатлигини киритиб ўтиш мумкин. 1998 йил “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги республика Президентининг фармойиши ҳамда, унинг асосида амалга оширилаётган вазифалар, яъни ҳудудларни экологик жиҳатдан соғломлаштириш буйича Оролбўйи минтақасида катта лойиҳалар режалаштирилди. Глобаллашув жараёнларининг кенг салмоқ ола бориши оқибатида шаклланиб бораётган янги дунёвий тизимда Ўзбекистоннинг ўрни қандай бўлиши кераклиги ва бу мақсадга қайси йўл билан борилиши тўғрисида аниқ, шаклланган ёндашув мавжуд. Айрим тадқиқотларда у иқтисодий жиҳатдан таҳлил этилса, бошқаларида ягона ахборот тизими сифатида тушунилади, учинчилари

³⁰ Экология хабарномаси. Журнал. 2007-йил. №2

эса, уни умумий турмуш тарзларининг шаклланишида намоён бўлади, деб таъкидлашади³¹.

Гўзал географик ва табиий шароитлар Республикамиз ҳудудида экологик туризмни ривожлантириш учун ғоят қулайдир. Бу борада мамлакатнинг тоғли ҳудудларида жойлашган, замонавий жиҳозланган сайёҳлик мажмуаларида кишки ва ноёб сайёҳлик дастурлари ташкил этилган. Сайёҳликнинг янги йўналиши - йирик кўриқхоналар ва боғлар ҳудудида ташкил этилган табиатшунослик туризми ривожланмоқда...

Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилди, бироқ, экологик носоғлом муҳит, ичимлик суви сифатининг ёмонлиги билан боғлиқ ҳолда турмуш даражасининг пастлиги турли касалликларни кескин камайитиришга имкон бермас эди. Шу муносабат билан саломатликни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришда касаба уюшмаларининг ҳам роли ортиб борди. 2000 йилда бу борада Қорақалпоғистон Республикаси Касаба уюшмаларига қарашли 2 та санаторий ва 8 та санаторий-профилакторий фаолият олиб борган. Бу дарда болалар учун “Ашшы кол” (Аччиқ кўл), “Жулдызша” (Юлдузча), “Арал балалары” (Орол болалари) каби санаторийлар ҳам фаолият кўрсатмоқда эди.

Қорақалпоғистон Республикаси - Ўзбекистон Республикасининг таркибидаги республика. 1924 йил 14 октябрда Туркистон АССР таркибида Мухтор вилоят сифатида ташкил этилган. Майдони 166,6 минг кв². Ўзбекистон Республикаси майдонининг 38 фоизини ташкил этади. Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси 1595,4 минг киши (1.01.2008). Пойтахти - Нукус шаҳри. Таркибида 14 туман, 12 шаҳар, 15 шаҳарча ва 124 фуқаролар йиғини бор³². Қорақалпоғистон Республикаси Қозоғистон, Туркменистон, Бухоро, Хоразм ва Навоий вилоятлари билан чегарадош. Қорақалпоғистон таркибига

³¹ Шихов.О. Мустақиллик шароитида қуйи Амударё ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол(1991-2011йй) тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.2011

³² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. -Тошкент: Давлат илмий нашриёти. Т.11. -92 б.

15 кишлоқ туманлари (Амударё, Беруний, Бўзатов, Кегейли, Мўйноқ, Нукус, Тахтакўпир, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой, Шуманай, Элликқала, Қанликўл, Қораўзак, Қўнғирот) ва 12 шаҳар киради (Нукус, Беруний, Бўстон, Манғит, Мўйноқ, Тахиатош, Тўрткўл, Халқабод, Чимбой, Шуманай, Хўжайли, Қўнғирот)³³ киради. Шаҳарларни тараққий этишини таъминлаш мақсадида тадқиқ этилаётган йилларда Қорақалпоғистон Республикасида янги темир ва автомобиль йўллар қурилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тошгузар - Бойсун – Қумқўрғон ва Учқудуқ Тўрткўл - Султон Увайс темир йўл тармоқлари қурилди³⁴. Хусусан "Навоий - Учқудуқ - Султон Увайстоғ - Нукус" темир йўли бунёд этилгани бу қурилиш жараёнлари 40 га яқин катта - кичик кўприклар қурилиб, "Нукус - Қўнғирот - Бейнау" автомобиль йўли ишга тушди, Қўнғирот сода заводининг фойдаланишга топширилиши ва Элобод шаҳарчаси барпо этилишига, Устюртда бунёд этилаётган газ - кимё мажмуаси, Султон Увайстоғ тизмасида Тебинбулоқ темир кинини ишга туширишга олиб келди³⁵. Қорақалпоғистон Республикасида Хўжайли шиша заводи, "Марказий Осиё безак тошлари" қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги карбит, Нукусдаги мрамар ва кабель заводи, Урга газ кони, "Элтекс" ва "Катекс" каби ишлаб чиқариш мажмуалари замонавий саноат корхоналари бўлиб, улар орасида Қўнғирот сода заводи муҳим аҳамиятга эга бўлди³⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, саноат тизимидаги кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 2007 йилнинг 17 май куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди ва сафар чоғида Қўнғирот сода заводини меҳнаткашлари билан учрашди. Учрашувда Президент И. А. Каримов мамлакат саноатида Қорақалпоғистон Республикасининг алоҳида ўрин тутишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

³³ Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. -Тошкент.: Абу Али Ибн Сино, 2002. -15 б.

³⁴ Мирзо Ғ, Ортиқбаев А. Президентнинг Орол бўйига сафари // Тошент оқшоми. 2007 йил 18 май.

³⁵ Аннакиличева Г. Истиқлол берган имкон // Халқ сўзи. 2007 йил 11 сентябрь.

³⁶ Мирзо Ғ, Ортиқбаев А. Президентнинг Орол бўйига сафари. // Тошкент оқшоми. 2007 йил 18 май.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, табиат ва инсоннинг ўзаро мулоқоти табиий эҳтиёж ҳисобланади. Энг муҳими, экотуризм инсон ва табиат уйғунлигини таъминлашга хизмат қиладиган, бу эса кишиларнинг ҳаётий куч ва имкониятларини тиклаш ҳамда ўзини она табиатнинг ажралмас бўлаги сифатида ҳис қилишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги кунда экологик муаммолар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Қорақалпоғистонда экотуризм музейларини ташкил қилишда бир пайтлардаги кучли балиқчилик флотилиясининг табиатни асрашга йўналтирилган расмларидан фойдаланиш анча самарали ҳисобланади

Фонд Форум ва ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонасининг энг йирик лойиҳаларидан бири – “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали бу йил 5-6 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри ва Элликқалъа туманида ўтказилди. “Келажак-тур” халқаро ёшлар туризми ва ҳамкорлиги бюроси V “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивалининг расмий тур-оператори ҳисобланади.

Фонд Форумнинг энг йирик лойиҳаларидан бири — «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ҳар йили Ўзбекистоннинг турли тарихий ва маданий марказларида кулоч ёзади. Фестиваль халқ анъаналари ва урф-одатлари, мамлакатимиз амалий санъати, миллий ошхонаси, ноёб оғзаки, моддий ва маънавий меросининг барча қирраларини акс эттиради. Фестивалда иштирок этиш истагидагилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

2012 йилда тўрт йил мобайнида анъаналар, санъат, тарих ва ҳозирги куннинг ўзига хос чорраҳасига айланиб улгурган фестиваль Қорақалпоғистон Республикасидаги иккита тарихий жой: жаҳонга машҳур Савицкий номидаги санъат музейи ва Марказий Осиё ҳудудидаги энг қадимги иншоотлардан бири, ЮНЕСКОнинг жаҳон маданияти ёдгорликлари рўйхатига киритилган, Элликқалъа туманида жойлашган Тупроққалъа ёдгорлигида бўлиб ўтди.

Фестивалнинг илмий таркиби ҳам алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Фанлар Академиясининг археолог-

олимларидан маҳорат дарслари Эллиқалъа туманидаги Тупроқалъа ёдгорлигида бўлиб ўтади. Шунингдек, Нукусда миллий мусиқа асбоблари устахонаси очилиб, соҳа бўйича амалий семинар ҳам тақдим этилди.

“Оролбўйи: ҳудуд ривожланишининг тарихий, экологик ва ижтимоий жиҳатлари” мавзусидаги давра суҳбати замонавий экологик шароитларда Орол ҳудудида ҳаёт тарзини яхшилаш масаласига бағишланади. Мазкур давра суҳбатида ҳудудни ривожлантиришга бағишланган инновацион лойиҳалар тақдим этилди.

Фестиваль ўтказиладиган икки кун мобайнида анъанага кўра, фольклор жамоалари танловлари, Миллий либослар фестивали, анъанавий халқ ўйинлари, улоқ-кўпқари, миллий кураш беллашувлари, хўроз ва кўй жанглари, дорбозлар чиқиши, ошпазлар танлови каби кўплаб тадбирлар бўлиб ўтади. Фестивалда, шунингдек, амалий санъат кўргазма-ярмаркаси ташкил этилиб, унда кулолчилик, кандакорлик, каштадўзлик, миниатюра, тўқимачилик, ёғоч ўймакорлиги усталари ўз маҳоратини намойиш этишади. Катта гала-концерт ва ғолибларни тақдирлаш билан фестиваль ўз ниҳоясига етди.

Анъанага кўра, “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали доирасида “MEROS” Ўзбекистон антикварлари уюшмасининг CHRISTIE'S аукцион уйининг рус санъати бўлими кўмаги остида ва EDWARD RISING AUCTIONEER аукцион компанияси кўмаги остида замонавий санъат бўйича кимошди савдоси ўтказилди.

Кўргазмали дастурлар, экспозициялар ва беллашувларда бутун мамлакатимиз бўйлаб энг яхши фольклор жамоалари, Миллий либослар фестивали иштирокчилари бўлган дизайнерлар, амалий санъат усталари, ошпазлар иштирок этишди.

Айтиш керакки, хорижий давлат ва санъат арбоблари лойиҳага катта қизиқиш билдиришмоқда. Бу йил фестивалга Австрия, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Испания, Италия, Хитой, БАА, Россия, АҚШ, Франция, Швейцария, Япониядан меҳмонлар ҳамда Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган

дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари меҳмон сифатида ташриф буюришди. “Асрлар садоси” фестивали – Ўзбекистоннинг қадимий анъаналари ва кўпқиррали санъати билан юзма-юз келиш имкониятидир.

II боб. Орол муаммоси ва унга жаҳон ҳамжамияти эътибори.

Бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири – Орол денгизининг куриб бориши ва бунинг оқибатида экологик тизимнинг издан чиқишидир. Жумладан, тупроқнинг шўрланиши ва саҳроланиш жараёни, сув ресурсларининг ифлосланаётганлиги, тоза ичимлик суви тақчиллигининг ошиб бориши ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Айниқса, атмосфера ҳавоси қумли ва тузли бўронлар оқибатида ифлосланиб, натижада биологик хилма-хиллик кескин камайиб бормоқда. Энг аянчлиси, Орол денгизининг куриши баробарида табиий иқлим ўзгариб, минтақада жиддий ижтимоий-экологик вазият юзага келмоқда³⁷.

Табиийки, бу жараён аҳоли саломатлигига, хусусан, аёллар ва болалар соғлигига таъсир қилиб, аҳоли орасида атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган турли касалликларни келтириб чиқармоқда. Минтақада генофонднинг салбий ўзгариш тенденцияси кузатилмоқда. Бу билан боғлиқ экологик вазиятни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари, халқаро ташкилотлар кўмагида бир қатор мақсадли лойиҳа ва дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мисол тариқасида "ЭКОСАН" саломатлик поездлари, ЭКОСАН-ЮНИСЕФнинг "АСПЕРА", "Оролбўйи минтақасининг оналари ва болаларига экологик ва минтақавий ёрдам", "Орол муаммолари халқаро ҳамкорликка даъват", "Оролбўйи минтақасида туризм ва экотуризм", шунингдек, сув таъминоти ва санитария ҳолатини яхшилашга йўналтирилган қатор лойиҳаларни кўрсатиш мумкин. Бинобарин, ушбу муаммолар нафақат минтақа доирасида, балки бутун жаҳон ҳамжамияти нигоҳида, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ўрганилиши-ю, бартараф этилишини тақозо этмоқда³⁸.

³⁷ Каримов И.А. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. 2009 йил 30 апрель.

³⁸ Камолов С. Орол муаммоси ечимлари бориши ҳақида // Вестник ККО АНРУ. – Нукус. 2000. – №1

Орол денгизининг таниб бўлмас даражада кум-сахролар билан копланиши ва бу ердаги экологик инқирознинг юзага келишида асосан аввалги даврларда амалга оширилган хўжалик фаолияти, иқлим ўзгариши, ирригация тизимларини куриш ва сувдан маиший, саноат соҳасида фойдаланиш эҳтиёжининг ортиши ва яна бошқа табиий жараёнлар сабаб бўлган, дейиш мумкин. Оқибатда Орол денгиз сатҳи охирги 50 йил давомида 4 баробардан кўпроққа қисқарди, сув 24 метрга пасайди, унинг ҳажми 10 мартага камайди. Бу каби салбий кўрсаткичлар бугун ҳеч биримизни хавотирга солмай қўймайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган нутқида - “бу ерда пайдо бўлган чўл Орол-бўйи худудини шафқатсизларча қамраб олаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Экологик хавф доимий тус олиб, мавжуд худуд ва маҳаллий аҳолининг турмуш сиҳати ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ёмони, у фарзандларимиз генофондига, бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли генофондига хавф солмоқда. Бу хавфнинг таъсири бугунги кунда нафақат куриб бораётган денгиз атрофидаги минтақалар-Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилояти, Туркменистоннинг Тошховуз вилояти, Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Навоий ва Бухоро вилоятларини, балки бутун Марказий Осиё минтақасини қамраб бормоқда”,- дея алоҳида таъкидлаб ўтган эди³⁹. Республикада соғлиқни сақлаш ва даволаш профилактика муассасалари тузилишини қайта ташкил этишлари бўйича аниқ йўналтирилган ишлар олиб борилди⁴⁰. Бу ишлар ўз самарасини бера бошлади ва бунинг натижасида республикада онкологик касалликлар анча

³⁹Каримов И.А. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. 2009 йил 30 апрель.

⁴⁰ Ешанов Т.Б., Ажибеков М.А. Физиологическое значение и механизмы стрессовой реакции при адаптации. Вестник ККО АН РУз. 2000. -№4. -4 с

камайди. “Экосан” халқаро жамғармаси томонидан ҳам ҳайрия ишлари йўлга қўйилди⁴¹.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ижтимоий иқтисодий ривожланиш жараёнлари ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, экологик вазиятнинг оғирлиги мазкур жараёнларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Тобора жаҳон экологик муаммосига айланиб бораётган Орол денгизининг қуриб бориши минтақада оғир аҳволни юзага келтирди. Бу ҳавфнинг таъсири нафақат, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларини, балки бутун Марказий Осиё минтақасини қамраб бормоқда. Таҳликали вазиятни таҳлил қилиб, Президент Ислам Каримов “Орол муаммосини фақат анжуманлар, конференциялар ўтказиш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бу йўлда амалий ишлар, натижалар керак”, - дея ҳақли тарзда воқеликни баҳолади. Шу билан бирга, “... бу муаммони жаҳон ҳамжамияти ва биринчи навбатда, БМТ институтлари билан биргаликда ўзаро мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларсиз бартараф этиш мумкин эмас”, - дея ҳам уқтириб ўтган эди.

Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Президент И.А.Каримов БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқида яна бир бор ушбу масалага тўхталиб, “Орол фожияси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди”⁴², -деб таъкидлади. Кейинги ўтган қирқ йил ичида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ортди. Натижада, қарийб барча ҳайвонот ва набобот олами таназзулга учради. 1996-1999

⁴¹ Казбеков Б.К. “Социально-экономическое развитие нижне Амударинского района в условиях перехода к рыночным отношениям”: Автореф. дисс. ... канд.региональное эконом.наук. -Ташкент.: ЎзМУ. 2000. -11 с.

⁴² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010, 22 сентябрь.

йилларда Ўзбекистон бўйича жами 1582 гектар майдон йўқотилган бўлса, шундан 292 гектари Қорақалпоғистон Республикасига ва 12 гектари Хоразм вилоятига тўғри келади⁴³.

Оролбўйида экологик таназзулнинг аҳоли саломатлигига таъсири натижасида турли касалликлар, жумладан, аёллар ўртасида тарқалган камқонлик, саратон касали, ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраларининг пайдо бўлиши кузатилади. 1991-2001 йилларда ҳудудда бир қанча касалхона, поликлиника ва туғруқхоналар қурилди. Аҳоли бу даврда кўп миқдорда гуманитар ёрдам, яъни керакли тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармон олди. Халқаро саломатликни муҳофаза қилиш ташкилоти томонидан қабул қилинган дастурга биноан сил касаллигига қарши амалий тадбирлар учун Қорақалпоғистонга 29 минг АҚШ доллари миқдорида дори-дармонлар келтирилди⁴⁴.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти билан Америка Қўшма Штатлари Қизил Хоч жамияти ўртасида Оролбўйи минтақасида мураккаб экологик шароитда яшаётган аҳолига гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича қўшма дастур имзоланиб, 2000 йилнинг март ойида ана шу дастур асосида АҚШдан келтирилган 2000 тонналик юк Урганчга етказиб берилди⁴⁵.

2001-йилдан Нукус шаҳрида амалга оширилган “Тишларни эмлаш ва протезлаш” бўйича лойиҳага 350,0 минг АҚШ доллари ажратилди. Оролбўйидаги оғир экологик вазият муносабати билан ривожланган хорижий давлатлардан АҚШ - 27 млн., Германия - 9 млн. АҚШ доллари, Швейцария ҳукумати 9 млн. Швейцария франки миқдорида молиявий ёрдам кўрсатди. Япония ва Қувайт давлатлари билан катта миқдорда имтиёзли кредитлар олиш бўйича шартномалар имзоланди. Шунингдек, Канаданинг “UVA”, Италиянинг “Ахватор”, Қувайтнинг KCL, Туркиянинг “Темилсу”, АҚШнинг TVA, Англиянинг “Мак-Дональд”, “Бинни Партнер”, “Гибб”, Германиянинг

⁴³ Шихов.О. Мустиқиллик шароитида қуйи Амударё ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат(1991-2011йй) тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.2011

⁴⁴ Камолов С. Орол муаммоси ечимлари бориши ҳақида // Вестник ККО АНРУ. – Нукус. 2000. – №1

⁴⁵ Давлетов С. XX аср охирида Қуйи Амударё ҳудудидаги экологик вазият ва уни соғломлаштиришнинг ижтимоий муаммолари. – Хива: Хоразм Маъмун Академияси нашриёти, 2007.

“Агроундвассер”, Голландиянинг “Евроконсалт” муассаса ва уюшмалари кўпгина дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этди. Шундай нуфузли ташкилотлар эътиборини Оролбўйига қаратиб, катта ишларни амалга оширган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташаббуси билан 1995-2000 йилларга мўлжалланган бир қатор тадбирлар учун Жаҳон банки 380 млн. доллар маблағ ажратди⁴⁶.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) Нукус филиали томонидан соғлиқни сақлаш ишлари бўйича Нукус шаҳрида 1999 йили 2307,0 минг АҚШ долларига тенг бўлган “Сийдик йўлларида тош пайдо бўлиши ва бошқа ички касалликларнинг олдини олиш ва даволаш” лойиҳаси, 2000-2001 йилларда 3004,0 минг АҚШ доллари турадиган плазма эритмаларини ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Натижада, 326,5 минг литр глюкоза, плазма ва бошқа эритмалар ишлаб чиқариладиган бўлди. Бу лойиҳалар бўйича кўплаб тиббий-ускуналар сотиб олинди⁴⁷.

Оролбўйи худуди атроф-муҳитини соғломлаштириш ва уни муҳофаза қилиш борасида Хоразм вилоятида мутахассис-олимлар томонидан махсус ЮНЕСКО лойиҳаси устида иш олиб борилди. 2001 йилдан бошлаб Урганч давлат университетида Германиянинг Бонн университети билан ҳамкорликда “Хоразм вилоятида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни иқтисодий ва экологик қайта тузиш” мавзуида халқаро илмий лойиҳа бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу лойиҳа вилоятда экологик аҳвол ва атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, аҳоли саломатлиги ва иқтисодий аҳволини яхшилаш, демографик жараёнларни ўрганишга бағишланган. Экологик хавф доимий тус олиб, тобора салбий таъсир кўрсатаётган ҳозирги кунда “... Орол денгизини том маънода қутқариб қолишнинг амалга деярли иложи йўқлигини яхши англаймиз. Аммо, бу ерда яшаётган аҳолига соғлом турмуш кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ҳар томонлама пухта

⁴⁶ Камолов С. Орол муаммоси ечимлари бориши ҳақида // Вестник ККО АНРУ. – Нукус. 2000. – №1

⁴⁷ Давлетов С. XX аср охирида Қуйи Амударё худудидаги экологик вазият ва уни соғломлаштиришнинг ижтимоий муаммолари. – Хива: Хоразм Маъмун Академияси нашриёти, 2007.

ўйланган чора-тадбирлар Дастурини амалга оширишимиз шарт”⁴⁸,-дея таъкидлаган эди Президент Ислон Каримов. Ана шу мақсадда, 2011 йил 13 май куни Тошкентда “VI Умумжаҳон сув форуми сари – сув хавфсизлиги йўналишида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 32 мамлакатдан 400 дан зиёд экспертлар, олимлар, ўттизга яқин нуфузли халқаро ташкилотлар иштирок этиб, Марказий Осиёдаги сув тақчиллиги муаммоларини ҳал этиш, аҳолини сув билан таъминлаш ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга боғлиқ муҳим масалаларни муҳокама қилдилар. Сўнгги йилларда минтақадаги экологик фожианинг глобал муаммога айланганлиги халқаро ташкилотлар орқали бутун дунёга маълум қилинди. Ҳудудий ва халқаро анжуманлар ўтказилиб, дунё ҳамжамияти инвестициялари жалб қилина бошлади. Чет эл ташкилотлари билан ҳамкорликда шартномалар тузилиб, биргаликдаги дастурларнинг ишлаб чиқилиши экологик вазиятнинг Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасидаги муаммога айланганлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан Марказий Осиё давлатларининг диққати Орол ва Оролбўйи муаммолари ечимига қаратилганлиги катта аҳамиятга эга. Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишга доир тизимли чора-тадбирлар изчил рўёбга чиқарилмоқда. Қуйи Амударё ҳудудидаги экологик аҳволни соғломлаштиришга доир қатор комплекс ташаббуслар илгари сурилиб, амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишларнинг барчаси жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Шу билан бирга, Оролбўйи ҳудудида ҳаво тозаллигини сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраб-авайлаш борасидаги кўплаб муаммоларни амалий жиҳатдан ҳар этишга катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш ва жиддий хавф-хатарнинг олдини олиш борасида кўпгина қонун ҳужжатлари жорий этилган бўлиб, уларнинг аксарияти Орол денгизи минтақасидаги ҳудудларнинг

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2009, 30 апрель

экологик аҳволини яхшилаш, ер емирилишининг олдини олиш ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятини ошириш, аҳолини соғломлаштириш, сув билан таъминлаш сингари устувор вазифаларга қаратилган⁴⁹.

Хозирги кунда сайёрамизда инсон фаолиятининг салбий таъсири натижасида атроф мухитда сезиларли ўзгаришлар рўй бермокда. Жумладан, иклим ўзгаришлари, турли хилдаги табиий офатлар ер сайёрасининг барча кенгликларида сезилмокда. Окибатда ўрмон билан копланган майдонлар кискармокда, атмосфера, сув ва литосфера ифлосланмокда.

Табиий мухит ҳолатининг инсон таъсирида ўзгариши, жонли ва жонсиз компонентларга кучли антропоген таъсир маҳаллий, минтакавий ва умумжаҳон экологик муаммоларни келтириб чикаради. Жумладан, шу каби таъсирлар натижасида минтакадаги экологик инкирознинг энг хавфли нуктаси ҳисобланган “Орол муаммоси” вужудга келди.

Бу ҳақда қуйидаги маълумотлар фикримизни исботлайди. Охирги 40-45 йил давомида Орол денгизи сатҳи 22 метрга пасайиб кетди, акватория майдони 4 мартадан зиёдга камайди, сув ҳажми 10 бараваргача (1064 куб км дан 70 куб км) камайди, сув таркибидаги туз миқдори 112 г/л гача, Оролнинг шарқий қисмида эса 280 г/л гача етди. Орол денгизи деярли “ўлик” денгизга айланди. Қуриб қолган туби майдони 4,2 млн. гектарни ташкил этиб, туташ ҳудудларга чанг, кум-тузли аэрозолларини таркатиш манбаига айланди. Бу ерда ҳар йили атмосфера ҳавосига 80 дан 100 млн. тоннагача чанг кўтарилади. Шу билан бир вақтда, Амударё ва Сирдарёнинг дельталарида ерларнинг таназзулга учраши ва чўллашиш суръатлари ўсиб бормокда⁵⁰.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг таъкидлашича: “Орол денгизининг йўқолиб бориши хавфли экологик муаммо, айтиш мумкинки, миллий фалокатга айланди. Орол денгиз муаммоси илдизи узок ўтмишга бориб такалади. Аммо XX асрнинг 60-90 йилларида у таҳдидли даражага етди. Бутун Марказий Осиё ҳудуди бўйлаб сугориш иншоотларининг

⁴⁹ Шихов.О. Мустақиллик шароитида қуйи Амударё ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол(1991-2011йй) тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.2011

⁵⁰ www.ziyounet.uz

изчиллик билан курилиши Орол фалокатининг сабабчиси бўлиб колди... Бугунги кунда Оролбўйи – экологик фалокат худуди”, Президентимиз фикрича, “Орол инкирози – инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва ижтимоий фалокатлардан бирига, денгиз хавзасида яшовчи 35 млн. аҳоли унинг таъсири остида колди”⁵¹.

Фавкулудда кийин экологик вазият, ичимлик суви сифатининг ёмонлашуви худуд аҳолиси саломатлигига катта салбий таъсир ўтказди. Оролбўйи аҳолиси учун ичимлик сувининг асосий манбаси – Амударё суви бўлиб, ундаги хар хил тузлар, кимёвий элементлар ва бирикмалар борлиги туфайли ичимлик суви санитария меъёрларига тўғри келмай худудда эпидемиологик вазият вужудга келишига шароит тугдиради.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб худудда ўт халтада тош пайдо бўлиши, сурункали гастрит, буйрак касалликлари ва кизилўнгач раки каби касалликлар кўпая бошлади.

Аввал денгиз йирик транспорт, баликчилик ва бошка хўжалик хам иклим ахамиятига эга эди. Бугунги кунда Орол денгизини ўрнида асосан 6 та колдик кўллар хосил бўлган. Орол денгизининг куриб кетган ерларидан шамол оркали хавога туз ва чанг кўтарилиб, юзлаб километр худудларга таркалмокда. Бу нафакат Оролбўйи, балки ундан узок худудларда хам кургокчиликни келтириб чикармокда. Оролнинг куриган тубидан кўтарилган чанг-тўфонлари илк бора 1975 йили космик тасвирлар натижасида аникланган, хозирда эса улар оддий холга айланган. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб бундай тўфонлар йилига 90 кунгача чўзилган.

Орол денгизининг куриши натижасида махсулдорлиги йилига 45 минг тоннагача овланган баликчилик саноати, туб аҳолининг доимий хаёт манбаи бўлган овчилик ва мўйначилик сохалари инкирозга учради.

Амударё кўйи кисмидаги ўсимлик дунёси сийраклашди, баъзи ўсимлик турлари умуман йўқолиб кетди, ёки йўқ бўлиш арафасига келиб колди. Дарё

⁵¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида..... Т.1997-й.

киргокбўйи тўкайзорлари кискариб кетди, бу эса ўз навбатида хайвонот дунёсига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда.

Ноёб ва камайиб бораётган хайвон ва ўсимлик турларини саклаш мақсадида 2006 йилда нашр этилган Кизил китобида ўсимликларнинг 305 тури (1983 йилда 163 турни, 2003 йилги нашрда 301 тур) ва хайвонларнинг 184 тури (1984 йил 63 тур, 2003 йилги нашрда 184 тур) киритилган⁵².

Орол ва Оролбўйи муаммосини ечишдаги учта асосий йўналишлар яъни, биринчидан, ичимлик сувини кувурлар оркали аҳолига етказиб бериш билан худуднинг санитар-эпидемиологик аҳолини яхшилашга, шунингдек, ер ости чучук сувидан фойдаланишга ҳам эътибор қаратилди. Соғлиқни саклаш ва санитария хизмати даражасини кескин юқорига кўтариш зарурлиги уқтирилди; иккинчидан, денгизнинг қуриган жанубий қирғоқларида сунъий дамба қуриб, дельта экосистемасини доимий сувлаштириш йўли билан “Яшил камар” ҳосил қилиш; учинчидан, денгизни ўзини саклаш. Уни саклаш учун унга систематик равишда кўп миқдорда сув юбориб туриш кераклиги ва бундан ташқари Оролни қуриган тубида саксовулзорлар барпо этиш натижасида кум кўчиши, чанг кўтарилишини олдини олиниши мутахассислар томонидан таъкидланди.

Республикамізда Орол денгизи ҳавзасининг экологик ҳолатини соғломлаштиришнинг бир неча йилга мўлжалланган аниқ ҳаракат дастурига асосан Қорақалпоғистон шаҳарлари, кўпгина туман марказлари, шунингдек, йирик қишлоқлар ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланди. Қолаверса, республикада ўрмон ҳўжалигини ривожлантиришга, кўчма кумларни мустаҳкамлаш чораларини кўришга қарши Оролнинг қуриган тубида саксовулзорлар барпо этиш учун катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 апрелдаги 162-сонли “Орол бўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини тузиш ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра Орол бўйи

⁵² Экология хабарномаси. Журнал. 2007-йил. №2

атроф-мухитини ва аҳоли соғлигини мустахкамлаш ва экологик ҳолатини яхшилашга қаратилган вазифалар белгилаб берилган⁵³.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати, Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси билан БМТнинг Тараққиёт Дастури ҳамда Глобал Экологик Жамғармасининг қўмағи билан “Амударёнинг қуйи қисми Қорақалпоғистон Республикасида тўқай ўрмонларини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизимини мустахкамлаш” бўйича ўрта микёсли лойиҳаси иш олиб бормокда.

Ўзбекистон Республикаси томонидан биологик хилма-хилликни сақлаш, қўчиб юривчи ёввойи ҳайвонлар турларини муҳофаза қилиш бўйича Конвенция, хавфли чиқиндиларни чегаралар орқали олиб ўтиш ва уларни йўқ қилиш бўйича назорат ҳақидаги Базель Конвенцияси, озон қатламини муҳофаза қилиш ҳақидаги Вена Конвенцияси ва озон қатламини бузувчи моддалар ҳақида протокол ва унга тузатишлар, йўқолиб бораётган ёввойи флора ва фауна турлари билан халқаро савдо қилиш ҳақидаги Конвенция бўйича белгиланган мажбуриятларини бажармокда. Жумладан, БМТнинг Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда ва ГЭФ иштирокида биохилма-хилликни муҳофаза қилиш ва сувли-боткок жойларда уларни қўллаш мақсадида аниқлаш ишлари олиб борилмокда. Ундан ташқари республикамізда ноёб жониворларни сақлаб қолиш бўйича катта лойиҳалар (халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари иштирокида) амалга оширилмокда⁵⁴.

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлиғи билан Германиянинг Ўзбекистондағи техник ҳамкорлик жамиятининг лойиҳаси асосида Оролнинг қуриган тубида 2000-2006 йилларда 8000 га майдонда саксовулзор барпо этиш ишлари 30450 га қилиб бажарилди.

Орол минтақасида экологик муҳитни яхшилаш мақсадида Глобал экологик фонди лойиҳасининг 2003-2008 йилларда мўлжалланган лойиҳаси

⁵³ «Халқ сўзи» газетаси. 4-апрель 2004й.

⁵⁴ www.ziyounet.uz

асосида 10000га майдонда саксовулзор барпо этиш белгиланган бўлиб, хозирги кунда эса ушбу лойиха асосида 17211 га майдонда саксовулзор барпо этиш ишлари амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг ўрмон хўжаликлари томонидан Оролни қуриган тубида 2005 йилда 20678га, 2006 йилда – 14962га, 2007 йилда эса 16000 га майдонда саксовулзорлар барпо этилди.

Амударёнинг чап соҳили бўйлаб Жумуртов тизмаси жойлашган бўлиб, Амударё тумани ҳудудидаги Шахарсафо, Орқакул, Қорачутал, Чойкул, Тузлок, Тожиқалкул, Байтукул, Узункул, Саричнугулкул, Оксейтбобо ва Отажон кулларида балиқ, урдақ ва бошқа да қушлар қуп. Куллардаги камиш ва яқандан қурилиш материали сифатида фойдаланилади. Туман ҳудуди, асосан, соз ва қумлок тупроқли бўлиб, тол, терақ, тут, гужум, қараган, турангил, окбош, янтоқ, ажриқ, печак, шура, қдмиш, қирмовуқ, семизут, яқан, отқулок ва б. усади. Қобон, шақал, бури, кемирувқилардан сичқон, қаламуш, қушлардан қирговул, урдақ, гоз, қарга, зогча, қумқуқ, қуққутон, қаптар, қумри, қуққарга, сарик қумқуқ, тургай ва бошқалар яшайди.

Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари ҳам ўзига ҳос хусусиятга эга бўлиб, экологик вазиятнинг оғирлиги мазқур жараёнларга ўз таъсирини ўтқазмай қолмади. Тобора жаҳон экологик муаммосига айланиб бораётган Орол денгизининг қуриб бориши минтақада оғир аҳволни юзага келтирди. Бу хавфнинг таъсири нафақат, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларини, балки бутун Марказий Осиё минтақасини қамраб бормоқда⁵⁵. Таҳликали вазиятни таҳлил қилиб, Президент Ислом Қаримов “Орол муаммосини фақат анжуманлар, конференциялар ўтқазиш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бу йўлда амалий ишлар, натижалар керак”⁵⁶, - дея ҳақли тарзда воқелиқни баҳолади. Шу билан бирга, “... бу муаммони жаҳон ҳамжамяти ва биринчи навбатда,

⁵⁵ Халқ сўзи, 2009, 30 апрель.

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Қаримовнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2009, 30 апрель.

БМТ институтлари билан биргаликда ўзаро мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларсиз бартараф этиш мумкин эмас”, - дея ҳам уқтириб ўтган эди. Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди.

Президент И.А.Каримов БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқида яна бир бор ушбу масалага тўхталиб, “Орол фожiasi экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди”,-деб таъкидлади. Кейинги ўтган қирқ йил ичида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ортди. Натижада, қарийб барча ҳайвонот ва набобот олами таназзулга учради⁵⁷. 1996-1999 йилларда Ўзбекистон бўйича жами 1582 гектар майдон йўқотилган бўлса, шундан 292 гектари Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади.

Ўзбекистонда сув имкониятлари барча вилоятларда ўзига хосдир. Бу борада Қуйи Амударё ҳудудини ҳеч бир вилоят билан қиёслаб бўлмайди. Айрим йиллари сув танқислиги, об-ҳаво шароити деҳқончилик учун ноқулай келганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайган. Шунга қарамасдан, Хоразм вилояти мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 8,7 фоизини ишлаб чиқаради.

Қорақалпоғистон Республикаси сув ҳавзаларидаги балиқчилик хўжалиги фонди 1999 йилда 100 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 2001 йилда 30 минг гектарга тенг бўлди. Оқпеткин, Қоражар, Жалтирбас, Машанқўл-Хўжакўл тизими, Макпал, Мўйноқ бўғози каби сув ҳавзалари эса шу даврда қуриб қолди⁵⁸.

Оролбўйида экологик таназзулнинг аҳоли саломатлигига таъсири натижасида турли касалликлар, жумладан, аёллар ўртасида тарқалган

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010, 22 сентябрь.

⁵⁸ Популярная экологическая энциклопедия Республики Узбекистан. Том 1. – Ташкент, 2008.

камқонлик, саратон касали, ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраларининг пайдо бўлиши кузатилади. 1991-2001 йилларда ҳудудда бир қанча касалхона, поликлиника ва туғруқхоналар қурилди. Аҳоли бу даврда кўп миқдорда гуманитар ёрдам, яъни керакли тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармон олди. Халқаро саломатликни муҳофаза қилиш ташкилоти томонидан қабул қилинган дастурга биноан сил касаллигига қарши амалий тадбирлар учун Қорақалпоғистонга 29 минг АҚШ доллари миқдорида дори-дармонлар келтирилди⁵⁹.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти билан Америка Қўшма Штатлари Қизил Хоч жамияти ўртасида Оролбўйи минтақасида мураккаб экологик шароитда яшаётган аҳолига гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича қўшма дастур имзоланиб, 2000 йилнинг март ойида ана шу дастур асосида АҚШдан келтирилган 2000 тонналик юк Урганчга етказиб берилди. 2001 йилдан Нукус шаҳрида амалга оширилган “Тишларни эмлаш ва протезлаш” бўйича лойиҳага 350,0 минг АҚШ доллари ажратилди⁶⁰.

Оролбўйидаги оғир экологик вазият муносабати билан ривожланган хорижий давлатлардан АҚШ - 27 млн., Германия - 9 млн. АҚШ доллари, Швейцария ҳукумати 9 млн. Швейцария франки миқдорида молиявий ёрдам кўрсатди⁶¹. Япония ва Қувайт давлатлари билан катта миқдорда имтиёзли кредитлар олиш бўйича шартномалар имзоланди. Шунингдек, Канаданинг “UVA”, Италиянинг “Ахватор”, Қувайтнинг KCL, Туркиянинг “Темилсу”, АҚШнинг TVA, Англиянинг “Мак-Дональд”, “Бинни Партнер”, “Гибб”, Германиянинг “Агроундвассер”, Голландиянинг “Евроконсалт” муассаса ва уюшмалари кўпгина дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этди. Шундай нуфузли ташкилотлар эътиборини Оролбўйига қаратиб, катта ишларни амалга оширган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташаббуси

⁵⁹ Камолов С. Орол муаммоси ечимлари бориши ҳақида // Вестник ККО АНРУ. – Нукус. 2000. – №1.

⁶⁰ Кўрсатилган асар

⁶¹ Орол дарди - олам дарди // Хоразм ҳақиқати, 1997, 25 февраль.

билан 1995-2000 йилларга мўлжалланган бир қатор тадбирлар учун Жаҳон банки 380 млн. доллар маблағ ажратди⁶².

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) Нукус филиали томонидан соғлиқни сақлаш ишлари бўйича Нукус шаҳрида 1999 йили 2307,0 минг АҚШ доллариға тенг бўлган “Сийдик йўлларида тош пайдо бўлиши ва бошқа ички касалликларнинг олдини олиш ва даволаш” лойиҳаси, 2000-2001 йилларда 3004,0 минг АҚШ доллари турадиган плазма эритмаларини ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Натижада, 326,5 минг литр глюкоза, плазма ва бошқа эритмалар ишлаб чиқариладиган бўлди. Бу лойиҳалар бўйича кўплаб тиббий-ускуналар сотиб олинди⁶³.

Оролбўйи худуди атроф-муҳитини соғломлаштириш ва уни муҳофаза қилиш борасида Хоразм вилоятида мутахассис-олимлар томонидан махсус ЮНЕСКО лойиҳаси устида иш олиб борилди.

2001 йилдан бошлаб Урганч давлат университетида Германиянинг Бонн университети билан ҳамкорликда “Хоразм вилоятида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни иқтисодий ва экологик қайта тузиш” мавзуида халқаро илмий лойиҳа бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу лойиҳа вилоятда экологик аҳвол ва атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, аҳоли саломатлиги ва иқтисодий аҳволини яхшилаш, демографик жараёнларни ўрганишга бағишланган.

Экологик хавф доимий тус олиб, тобора салбий таъсир кўрсатаётган ҳозирги кунда “... Орол денгизини том маънода қутқариб қолишнинг амалга деярли иложи йўқлигини яхши англаймиз. Аммо, бу ерда яшаётган аҳолига соғлом турмуш кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ҳар томонлама пухта ўйланган чора-тадбирлар Дастурини амалга оширишимиз шарт”⁶⁴, -дея таъкидлаган эди Президент Ислоҳ Каримов. Ана шу мақсадда,

⁶² Давлетов С. XX аср охирида Қуйи Амударё худудидаги экологик вазият ва уни соғломлаштиришнинг ижтимоий муаммолари. – Хива: Хоразм Маъмун Академияси нашриёти, 2007

⁶³ Кўрсатилган асар

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2009, 30 апрель.

2011 йил 13 май куни Тошкентда “VI Умумжаҳон сув форуми сари – сув хавфсизлиги йўналишида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 32 мамлакатдан 400 дан зиёд экспертлар, олимлар, ўттизга яқин нуфузли халқаро ташкилотлар иштирок этиб, Марказий Осиёдаги сув тақчиллиги муаммоларини ҳал этиш, аҳолини сув билан таъминлаш ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга боғлиқ муҳим масалаларни муҳокама қилдилар.

Сўнгги йилларда минтақадаги экологик фожиянинг глобал муаммога айланганлиги халқаро ташкилотлар орқали бутун дунёга маълум қилинди. Худудий ва халқаро анжуманлар ўтказилиб, дунё ҳамжамияти инвестициялари жалб қилина бошлади. Чет эл ташкилотлари билан ҳамкорликда шартномалар тузилиб, биргаликдаги дастурларнинг ишлаб чиқиши экологик вазиятнинг Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасидаги муаммога айланганлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан Марказий Осиё давлатларининг диққати Орол ва Оролбўйи муаммолари ечимига қаратилганлиги катта аҳамиятга эга. Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишга доир тизимли чора-тадбирлар изчил рўёбга чиқарилмоқда. Қуйи Амударё худудидаги экологик аҳволни соғломлаштиришга доир қатор комплекс ташаббуслар илгари сурилиб, амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишларнинг барчаси жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Шу билан бирга, Оролбўйи худудида ҳаво тозаллигини сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраб-авайлаш борасидаги кўплаб муаммоларни амалий жиҳатдан ҳар этишга катта эътибор берилмоқда.

«ЭКОСАН» халқаро жамғармаси ва Ф.Эберт номли жамғарманинг ваколатхонаси (Германия) томонидан «Экотуризм ва Буюк ипак йўли» мавзусида ўтказилган 1 – Халқаро конференцияда қабул қилинган тавсияномага биноан «ЭКОСАН - Тур» маркази ташкил қилинди⁶⁵.

⁶⁵ Давлетов С. Оролбўйи худудида экотуризмни ривожлантириш масалалари. Қарақалпақстан тарийхынын заманагөй машкалалары. Республикалық илимий-теориялық конференция материаллары. Н.2007

2002 йилнинг 10 январь куни «ЭКОСАН» Халқаро жамғармасида Халқаро туризм йилига бағишлаб «Экотуризм – атроф муҳитни ҳтмоя қилиш ва барқарор ривожланишнинг муҳим омили» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ҳозирги кунда экотуризм ривожланишининг бир бўлаги бўлган Орол ва Орол бўйи минтақаси хорижлик сайёҳларни ўзига жалб қилаётгани, «ЭКОСАН» жамғармаси ўзининг хориждаги бўлимлари орқали мамлакатимизда янги экотуристлик йўналишлар, сайёҳлар учун яратилаётган қулайликлар ҳақида жаҳон жамоатчилигини хабардор қилишда фаол катнашиши зарурлиги таъкидланди.

Қуриётган Орол денгизи соҳиллари ёки Орол қолдириб кетган туз ва кум барханларини қандай экотуристлик марказга айлантириш мумкин деган ўринли чавол туғилади. Бу борада Устюрт платоси ва Орол денгизи хавзасини экотуристлик ҳудудга айлантиришнинг амалий аҳамиятини кўйдагиларда кўриш имконияти мавжуд.

Ҳар бир табиий географик комплекс қайтарилмас экотуристлик имкониятларга эга, яъни регионаллик хусусиятга эга. Иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан экотуризмни тарихий туризм билан олиб бориш, жумладан, Хива шаҳрига ташриф буюрган чет эллик сайёҳларга табиат ва инсон “маҳсули”ни кўрсатиш.

Чет эл тадқиқотчиларини мазкур ҳудудга жалб қилиб, уларнинг илмий ҳулосаларини муҳокама қилиш амалга ошириш орқали экологик муаммоларниечимини топиш, ёки экологик мувозанатга салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг зарарини камайтиришга эришиш.

Маҳаллий сайёҳатчилар, шу жумладан мактаб, коллеж, университет талабаларига Орол денгизининг қуриган қисми ва денгизни кўрсатиш, у ерга сайёҳат қилиб, ёшларни, келажак авлодни собиқ иттифоқ маъмурий ғ бўйруқбозлик тизимининг экологик соҳадаги нотўғри сиёсатининг бугунги оқибатини кўрсатади. Бу орқали миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгида мусҳкамлаган ҳолда келажак авлодни ичимлик сувини эҳтиёт қилиш, экологик маданиятини ошириш, каби юксак қадриятларга нисбатан

эътиқодини мустаҳкамлаш. Уларга биз яшаётган замин бизнинг аجدодларимиз томонидан мерос қолдирилмагани, балки келажак авлоддан қарзга берилганлигини англатиш.

Орол денгизи ва унинг қуриган ҳавзаси ҳамда Устюрт платосини экотуристлик марказга айлантириш пойдевори қуйидаги омиллар ётади: Бу ерга уюштирилган сайёҳлик моҳиятида табиатни муҳофаза қилиш ва экологик мувозанатни тиклаш.

1. Экологик муаммога дуч келган ҳудуд аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш имкониятларини тиклаш.

2. Ҳудуддаги жамоатчиликнинг экологик онги ва маданиятини кўтариш. Бу экотуристлик ҳудудни ўзига хос томонлари ва сайёҳат уюштиришнинг амалий чоралари қуйидагиларда ўз ифодасини топади.

1.Устюрт платоси. Устюртнинг сайёҳларни ўзига жалб қиладиган экотуристлик объектларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

А) “Чинк” – Дунёда энг катта ва ягона 60 – 100 метрлик тик қояли жарлар билан ўралган плато. Бу табиат маҳсули қадимги даврлардан то ҳозирги кунгача кўпчиликни ўзига жалб қилиб келмоқда.

Б) Орол денгизидаги Дуан бурнидан бошлаб Устюрт ичкарасигача бўлган майдонда учлари шимол томонни кўрсатиб турувчи камон ўқисимон “стрелка” лар тизими. Бу шаклларнинг узунлиги 1 км гача етади. Қорақалпоғистонлик археолог В.Н.Ягодин “Бунақанги стрелкасимон белгилар шу вақтгача археология тарихида учрамаган”. Улар аэрофотосуратларни ўрганиш чоғида аниқланган. Бу шакллар қандай вазифани бажарганлиги, албатта катта қизиқиш уйғотиши табиийдир⁶⁶.

В) Даволаш хусусиятига эга бўлган жуда катта (1000 км²) тузли Борса келмас шўрҳоки. Унда ўсимлик дунёси деярли йўқ. Тузли балчиқнинг қатлами 16 – 27 метрга етади².

Г) Неолит давридан қолган “Устюрт макони”. Унда аجدодларимиз яшаган 60га яқин манзиллар аниқланган. Уларнинг ичида ҳам тарихий, ҳам

⁶⁶ Холмухамедов Комил. “Сирли Олам”. Тошкент. 1983 й. 26-бет.

экотуристик аҳамиятга мойили “Темпа” макони бўлиб, унда археолог С.П.Толстов бошчилигида Хоразм экспедицияси иш олиб бориб, 1300 дан ортиқ чақмоқтош қуроллар топган. Устюрт платоси 200 минг км² майдонни эгаллаган бўлиб, йўллари асфалтсиз ўнқир чўнқир бўлганлиги учун ҳам экотуристик маршрутларни шу йўлларга мослашган махсус машиналар, самалёт ва верталётлар ёрдамида йўлга қўйиш мумкин.

2. Орол ва Оролбўйи ҳудуди. Бу ҳудуд экологик инқирозли экотуристик ҳудуд бўлганлиги учун ҳам унда юзага келган инқироз хоолати асосий экотуристик объект ҳисобланади. Маршрутлар бир пайтнинг ўзида Оролнинг қуриган ва унинг таъсирида турган ҳудудларни ҳам қамраб олиши зарур. Экотуристлар пиёда ёки туя ва отларда ҳамда транспорт воситаларда олиб борилиши мумкин. Орол денгизининг шимоли ғарбий қисмидаги Босра келмас ороли атроф муҳитга таъсирининг кўчайиши оқибатида кенгайиб бораётган қуриқлик сифатида намоён бўлади.

Бу экотуристик ҳудудга сайёҳатчи ва тадқиқодчиларни жалб қилиш йўллари қуйидагилардан иборат:

1. Экология билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар (масалан, ЮНЭП ва бошқалар).

2. Интернетга юқорида кўрсатилган экотуристик ҳудудлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар бериш ва муҳит ижтимоий-иқтисодий, маданий ландшафтларини ўзида акс эттирувчи фотолавҳа ва суратларни чиқариш.

3. Оммавий ахборот воситаларида ҳам маълумотлар бериш, телевиденияда ҳужжатли фильмлар ёрдамида уларни намоёни қилиш.

4. Хива шаҳрига, умуман тарихий туристик сайёҳат йўналишларга экотуристик ҳудудлар бўйича ҳам йўналишларни киритиш⁶⁷.

Бу лойиҳалар устида ишлаш ва уларни такомиллаштириш нафақат Қуйи Амударё ҳудуди балки, Ўзбекистон, қолаверса минтақа давлатлари

⁶⁷ Давлетов С. Оролбўйи ҳудудида экотуризмни ривожлантириш масалалари. Қарақалпақстан тарийхынын заманагөй машкалалары. Республикалық илимий-теориялық конференция материаллары. Н.2007

учун ҳам ижтимоий - иқтисодий ва экологик жиҳатдан қулай ҳамда муҳимдир.

Атроф – муҳитни муҳофаза қилиш. Табиатни асраш бугунги кунда инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида таъкидлаганидек, “экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, инсониятнинг умумий муаммосига айланди”⁶⁸.

Мустақилик йилларида Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва бу жараён давом этмоқда. Атроф – муҳит муҳофазасига оид энг асосий ҳужжат бу албатта Конституция ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50 – моддасига кўра фуқаролар атроф – табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар⁶⁹.

1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. 1995 йил 6 майда ушбу қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб янги тахрирда тасдиқланди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларидан оқилана фойдаланиш соҳасида 40 дан ортиқ қонунчилик ва 70 га яқин қонун ости ҳужжатларига амал қилинади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари бири бўлиб, Орол ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генетик фондини сақлаб қолиш, ер, сув, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш доирасида олиб борилди.

⁶⁸ Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Т. “Ўзбекистон”. 1997 й. 110 – бет.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. “Ўзбекистон” 2003 й. 14 - бет.

Қуйи Амударё худудида соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилиниб, бу соҳада катта амалий ишлар бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги ҳамда Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар вакиллари ҳамкорлигида тадқиқотлар ўтказиб, Орол фожиаси сабаблари ва аҳоли саломатлигига таъсирини тизимли асосда ўрганиш ва тарихий баҳолашаҳоли ва айниқса, ёшларда экологик маданиятни шакллантириш ва Орол муаммосининг келиб чиқиш сабабларини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қиладиган фотоальбом ҳамда Орол денгизи ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ўрганувчи харита яратиш ката аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Халқимиз бой экологик маданиятга эга. Асрлар давомида шаклланиб келган бой миллий маънавий қадриятларимиз ва меросимиз шундан далолат берадики, ота-боболаримиз, аجدодларимиз Она заминга ўзгача муносабатда бўлиб, сув, тупроқ, хавони қадрлаганлар. Табиат бойликлари ва унинг эҳсонларини асраб-авайлаб, улардан тежаб фойдаланганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантириш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ва тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш” бугунги кунда республикаимиз учун энг долзарб масалалардан бири эканлиги, шунинг учун ҳам экологик ҳаракат вакиллариға Қонунчилик палатасидан 15 та жой ажратилганлиги ҳақида таъкидлаган эди⁷⁰.

Сўнгги йилларда минтақадаги экологик фожианинг глобал муаммоға айланганлиги халқаро ташкилотлар орқали бутун дунёға маълум қилинди. Худудий ва халқаро анжуманлар ўтказилиб, дунё ҳамжамияти инвестициялари жалб қилина бошлади. Чет эл ташкилотлари билан ҳамкорликда шартномалар тузилиб, биргаликдаги дастурларнинг ишлаб чиқилиши экологик вазиятнинг Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасидаги муаммоға айланганлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан Марказий Осиё давлатларининг диққати Орол ва Оролбўйи муаммолари ечимига қаратилганлиги катта аҳамиятға эга. Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишға доир тизимли чора-тадбирлар изчил рўёбға чиқарилмокда. Қуйи Амударё худудидаги экологик аҳволни соғломлаштиришға доир қатор комплекс ташаббуслар илгари сурилиб,

⁷⁰ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.2010

амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишларнинг барчаси жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Шу билан бирга, Оролбўйи ҳудудида ҳаво тозалигини сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраб-авайлаш борасидаги кўплаб муаммоларни амалий жиҳатдан ҳар этишга катта эътибор берилмоқда.

Орол денгизи ва унинг қуриган ҳавзаси ҳамда Устюрт платосини экотуристлик марказга айлантириш пойдевори қуйидаги омиллар ётади: Бу ерга уюштирилган сайёҳлик моҳиятида табиатни муҳофаза қилиш ва экологик мувозанатни тиклаш.

1. Экологик муаммога дуч келган ҳудуд аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш имкониятларини тиклаш.

2. Ҳудуддаги жамоатчиликнинг экологик онги ва маданиятини кўтариш. Бу экотуристлик ҳудудни ўзига хос томонлари ва сайёҳат уюштиришнинг амалий чоралари қўйидагиларда ўз ифодасини топади.

Бу экотуристлик ҳудудга сайёҳатчи ва тадқиқодчиларни жалб қилиш йўллари қуйидагилардан иборат:

1. Экология билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар (масалан, ЮНЭП ва бошқалар).

2. Интернетга юқорида кўрсатилган экотуристлик ҳудудлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар бериш ва муҳит ижтимоийфиқтисодий, маданий ландшафтларини ўзида акс эттирувчи фотолавҳа ва суратларни чиқариш.

3. Оммавий ахборот воситаларида ҳам маълумотлар бериш, телевиденияда ҳужжатли фильмлар ёрдамида уларни намойиш қилиш.

4. Хива шаҳрига, умуман тарихий туристик сайёҳат йўналишларга экотуристлик ҳудудлар бўйича ҳам йўналишларни киритиш⁷¹.

Бу лойиҳалар устида ишлаш ва уларни такомиллаштириш нафақат Қуйи Амударё ҳудуди балки, Ўзбекистон, қолаверса минтақа давлатлари

⁷¹ Давлетов С. Оролбўйи ҳудудида экотуризмни ривожлантириш масалалари. Қарақалпақстан тарийхынын заманагөй машкалалары. Республикалық илимий-теориялық конференция материаллары. Н.2007

учун ҳам ижтимоий - иқтисодий ва экологик жиҳатдан қулай ҳамда муҳимдир.

Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, экологик вазиятнинг оғирлиги мазкур жараёнларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Тобора жаҳон экологик муаммосига айланиб бораётган Орол денгизининг қуриб бориши минтақада оғир аҳволни юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги ҳамда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар вакиллари ҳамкорлигида тадқиқотлар ўтказиб, Орол фожiasi сабаблари ва аҳоли саломатлигига таъсирини тизимли асосда ўрганиш ва тарихий баҳолашаҳоли ва айниқса, ёшларда экологик маданиятни шакллантириш ва Орол муаммосининг келиб чиқиш сабабларини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қиладиган фотоальбом ҳамда Орол денгизи ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ўрганувчи харита яратиш ката аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда экологик муаммолар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Қорақалпоғистонда экотуризм музейларини ташкил қилишда бир пайтлардаги кучли балиқчилик флотилиясининг табиатни асрашга йўналтирилган расмларидан фойдаланиш анча самарали ҳисобланади

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, табиат ва инсоннинг ўзаро мулоқоти табиий эҳтиёж ҳисобланади. Энг муҳими, экотуризм инсон ва табиат уйғунлигини таъминлашга хизмат қиладики, бу эса кишиларнинг ҳаётий куч ва имкониятларини тиклаш ҳамда ўзини она табиатнинг ажралмас бўлаги сифатида ҳис қилишида муҳим аҳамиятга эгадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов. И.А. Юсак маънавият енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008 й.
2. Каримов И.А. Энг асосий мезон ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т. 2009 й.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2010 й.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т. “Ўзбекистон”. 2005 й
5. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.”Ўзбекистон” 2005 й.
7. Каримов И.А. Мустақиллик биз учун-ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. Т. “Ўзбекистон”. 2009 й.
8. И. Каримов «Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли» Т., т. 11, «Ўзбекистон», 266-267 бетлар.
9. Буюк ва муқаддасан, мустақил ватан. Илмий-оммабоп рисола. Т.2011.
- 10.И.А.Каримов. «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» Т. “Ўзбекистон”. 2011 й
- 11.Каримов И.А. Хоразм муқаддас замин. – Урганч, 1998.
- 12.Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Т. “Ўзбекистон”.1997 й.
- 13.Каримов И.А. Мен ўзимни нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биламан! // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
- 14.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2009, 30 апрель.
- 15.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010, 22 сентябрь.
- 16.Камалов С. Арал машқаласи шешимлери барысы ҳаққында // Вестник ККО АНРУ. – Нукус. 2000. – №1.
- 17.Камалов Қ. Ел хызметинде. Н.1995.
- 18.Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. Н.2003.

19. Ғуломов С. Мустақил Ўзбекистон. – Тошкент: Меҳнат, 2001.
20. Джумагалдиев Г., Даниярова С. Дийхан – фермер хожалықларынын раўажланыу бағдарлары // ВестникККО АНРУз, 1999
21. Давлетов С. Оролбўйи худудида экотуризмни ривожлантириш масалалари. Қарақалпақстан тарийхынын заманагөй машкалалары. Республикалық илимий-теориялық конференция материаллары. Н.2007
22. Шихов.О. Мустақиллик шароитида қуйи Амударё худудидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол(1991-2011йй) тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.2011
23. Бекимбетов Б.М. История общественно-политического движения за спасение Аральского моря (1960-1990-гг). Автореф. дисс. канд.ист. наук. Н.2006
24. Халқ сўзи газетаси.
25. Еркин Қарақалпақстан газетасы
26. Вести Каракалпакстана газетасы.
27. www.ziynet.uz